Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 1 МАЙ, ШАНБА

№ 30 (6541).
Баҳоси 5 сўм.

Ҳафтанинг муҳим воқеалари

БИР ЎЛКАКИ, ТУПРОҒИДА ОЛТИН ГУЛЛАЙДИ...

Серқуёш диёримизнинг бугунги ҳаётига назар ташларкансиз, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги буюк бунёдкорлик меҳнати авж олаётганлигининг, эл ўз келажагига умид ва комил ишонч билан қараётганининг, мамлакатимиз раҳбарлари барқарор ички ва ташқи сиёсат юритаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Бунинг натижаси — эл осойишталиги ва юрт тинчлиги таъминланганлиги туфайли бугун Ўзбекистоннинг ям-яшил далалари ва боғларида баҳорги экиш ишлари қизғин. Дастлабки қадалган чигит ва маккажўхорилар униб чиқиб, эгатларда яшил қаторлар ҳосил қилди. Кузги арпаю буғдой бошоқ тортди. Эртанги сабзавот экинлари карам, редиска, қулупнай эл дастурхонини безади. Шаҳару қишлоқларда ҳам қурилишлар авжида. Заводларда, фабрикаларда, янги-янги қўшма корхоналарда халқ хўжалиги учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш тобора кўпайиб бормоқда.

Инсонга ғамхўрлик, юрт фаровонлигини яхшилаш учун қайғуриш, бозор иқтисоди шароитида меҳнаткаш эл табақаларини ижтимоий муҳофаза қилиш Ўзбекистон раҳбариятининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ғалаба куни муносабати билан Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ҳам ана шу ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир ёрқин далили бўлди. Фармонга кўра, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногирон байналмилал жангчилар, шунингдек, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига 10 минг сўмдан пул берилади. Шу муносабат билан таҳририятимизга келаётган хатларда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва байналмилалчи жангчилар Республика Президентига катта эътибор учун чуқур миннатдорчилик билдириб, Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларини ҳимоя қилишда, унинг иқтисодиёти, маданиятини ривожлантиришда, мустақилликни мустаҳкамлашда, камол топаётган ёш авлодни чин ватанпарварлар қилиб тарбиялашда фаол қатнашажакларини, бутун кучғайратларини, ҳаётий тажрибаларини, ақл-заковатларини бу муқаддас ишга бахшида этишларини изҳор қилмоқдалар. Ғалаба куни олдидан билим масканларида ўтказиладиган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва байналмилалчи жангчилар билан ёш авлод вакилларининг учрашувлари ва бошқа тадбирларда ҳам оталар жасорати ва шон-шуҳратига садоқат яна бир яққол намоён бўлади, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси иш бошлашига ҳам саноқли кунлар қолди. Шу йил 6 майда Тошкентда чақириладиган Олий Кенгаш йиғинида 30 га яқин масала кўриб чиқилиши кўзда тутилганки, буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлининг янада ойдинлашишига, порлоқ истиқболга хизмат қилади, албатта.

Мамлакатимиз тараққиётида, шубҳасиз, МДҲ давлатлари, чет эллар билан ҳар томонлама ҳамкорликнинг аҳамияти каттадир. Ўтган ҳафта давомида ҳам бу борада муҳим воқеаларнинг гувоҳи бўлдик. Беларусь пойтахти Минскда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида қатнашувчи мамлакатлар ҳукумат бошлиқларининг навбатдан ташқари учрашуви очилди. Ўзбекистондан Бош вазир ўринбосари Б. С. Ҳамидов иштирок этган бу йиғинда иқтисодий, ҳарбий, ташкилий аҳамиятга молик 15 та масала кўриб чиқилди. Учрашувда МДҲ мувофиқлаштириш-маслаҳат қўмитаси тузишга қарор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Германия Федератив Республикасига беш кунлик расмий сафари мамлакатимиз раҳбариятининг халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик воқеалардан бўлди.

Маълумки, Ўзбекистон билан Германиянинг ҳамкорлик муносабатлари узоқ тарихга эга. Асримизнинг 20-йилларидаёқ ҳар икки давлат ўртасида ўзаро алоқалар йўлга қўйилганди. Уша даврда Германия республикамизга кадрлар тайёрлашда ёрдам қилганди. Бироқ сталинизм сиёсати бу алоқаларни барбод этди, ҳамкорлик ташкилотчилари ва чет элда тайёрланган ўзбекистонлик кадрлар қатағон қилинди.

Мана, эндиликда Ўзбекистон мустақил давлат бўлганидан сўнг ўзбек ва олмон халқларининг дўстона алоқаларига, ҳар икки давлатнинг иқтисодий, маданий, техникавий ҳамкорлигини ривожлантиришга кенг имконият вужудга келди. Тошкентда ГФР элчихонасининг очилиши, ҳар икки мамлакат ишбилармонлари ўзаро манфаатли муносабатларининг кенгая бориши мамлакатимиз тараққиёти йўлида яхши самара бериши, шубҳасиздир. Ҳозирги пайтда машҳур «Мерседес-бенц» фирмаси Хоразмда ва Фарғона водийсида автомобилсозлик заводлари барпо этмоқда. Фирма республикамиз учун олис масофага оғир юк ташувчи 200 та машинани узоқ муддатли қарзга етказиб берди. Германиянинг «Крупп машинентехник», «Либхею экспорт аг», «Пери гмбх», «Рамакс машиненбау» сингари фирмалари ҳам ишлаб чиқариш соҳаларида мамлакатимизга кўмаклашаётир.

Ўзбекистон Президентининг Германияга сафари давомида ГФР Федерал Президенти Рихард Фон Вайцзеккер, концлер Гельмут Коль, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бу мамлакат савдо-саноат палаталари вакиллари билан учрашувлари ҳамда музокаралари ҳар икки давлат ўртасидаги иқтисодий, маданий, техникавий ҳамкорликни янада кенгайтиришга замин бўлади, албатта.

Ҳа, серқуёш диёримиз истиқболига чет элликлар ҳам комил ишонч билан қарамоқдалар, ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйишга интилмоқдалар. Шоир айтганидек, тупроғида олтин гуллайдиган ўлка жаҳон эътиборини тортмоқда. Чиндан ҳам Ўзбекистон янада гуллаб яшнайдиган, эл ҳаёти фаровонлашадиган, пазандалари ширмон ёпиб, кексалари меҳмон кутадиган дориламон дамлар яқин!

Маҳкам РАҲМОНОВ.

Муаллим суратига чизгилар

Одилжон Тожибоев педагоглик фаолияти туфайли элда обрў-эътибор топган тажрибали муаллимлардан. Ўтган йилларда ўнлаб шогирдлар тарбиялади, эндиликда улар халқ фаровонлиги йўлида, мустақил жумҳурият истиқболи учун турли жабҳаларда меҳнат қилишмоқда, устозлари берган сабоқни ҳаётга татбиқ этишмоқда.

Дарвоқе, Одилжон ака ҳозир ҳам Андижон вилояти Избоскан туманидаги 19-ўрта мактабда ёшларга она тили ва адабиёти фанидан сабоқ бермоқда.

— Ёшлар — келажагимиз, деймиз. Ҳақиқатан ҳам шундай, — дейди у. Бироқ янги шароитда, замон талаби асосида ёшларга сабоқ беришда юзаки иш тутаётган, муаллимлик масъулиятини ҳис этмаётганлар афсуски, орамизда топилади. Узоқ йиллар педагогнинг ҳар томонлама, айтиш мумкинки, «таноби тортилган», қиладиган ишлари чегараланган эди. Лекин ҳозир-чи? Президентимизнинг қатор фармонлари, маошимизнинг бир неча баробар оширилганлиги, ахир, мана шунинг ўзи ишлашга, таълим-тарбияни янги поғонага кўтариш учун яратилган имконият эмасми?

Ҳа, Одилжон ака педагоглик касбини танлаб кам бўлмади. Унинг хизматлари жумҳурият раҳбарияти томонидан, бир неча бор тақдирланди. У қилган ишлар, тажрибалар вилоятда ва республикада оммалаштирилди.

Сиз кўриб турган ушбу суратда Одилжон Тожибоев, Абдулла Авлоний номидаги республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтида касбдошларига ўз иш тажрибасини сўзлаб бермоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган.

ЎЗБЕКИСТОН РАМЗИЙ ДАРВОЗАСИ

Тошкент туманининг Жанубий Қозоғистон ва Қирғизистон орқали Хитой билан боғловчи қадимий «Ипак йўли» ёқасида маҳобатли дарвоза қад кўтара бошлади.

— Қадим-қадимда ўлкаларимиз ўртасида чегаратўсиқлар бўлмаган, — дейди Тошкент тумани ижроия қўмитаси раиси Т. Турсунов. — Айниқса, Тошкент — Чимкент йўлида жойлашган Ғиштқўприк қишлоғи билан Сариоғоч тумани аҳолиси бир ота-онанинг фарзандларидек ўзаро дўстлик ва тотувликда яшаб келмоқда. Шу жиҳатдан, бу ерда қурилажак дарвоза икки халқ дўстлигининг рамзи бўлади. Баландлиги 17 метр, эни эса 30 метрли бу дарвозани «Ташагрострой»га қарашли 1-қурилиш-монтаж трести бунёдкорлари тикламоқда. Шу кунларда унинг икки асосий устуни учун пойдевор қурилди. Ярим доира шаклидаги дарвоза тўртта улкан устунга туташтирилади, унинг пештоқи узра учта нилий гумбаз қад кўтаради. Иншоот Ватанимиз мустақиллигининг икки йиллиги байрами арафасида қуриб битказилади.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

МУСТАҲКАМ АСОС ЯРАТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти бошқармаси жамоасида Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» китоби муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Шу мавзуда маъруза қилган Тошкент давлат қишлоқ хўжалик дорилфунунининг политология кафедраси мудири Элбек Каримов ушбу китобнинг мазмун-моҳиятига кенг тўхталиб, уни чуқур таҳлил этиб берди. Йиғилишда сўзга чиққанлар китобдаги қоида ва хулосаларнинг Ватанимиз равнақи учун, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотни изчил амалга ошириш, кенг ижтимоий ҳамжиҳатликка эришиш учун ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Жамиятдаги барқарорлик ва осойишталикни бундан буён ҳам янада мустаҳкамлаш, сиёсий соҳада ҳамжиҳатликни барқарор этиш Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли субъектига айланишининг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Президентининг сиёсий ва амалий фаолияти ич-ичига сингдирилган машҳур беш тамойилнинг жамият тараққиётига, халқ турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир. Президентнинг китоби ўзбек давлатчилигининг бундан буёнги тараққиёти ва Ўзбекистон Республикаси тинчликсевар ташқи сиёсатининг муваффақиятли амалга ошиши учун мустаҳкам асос яратади.

ТЕСТ СИНОВЛАРИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Республикамиз олий ўқув юртларининг кундузги бўлимига талабаларни қабул қилишда тажрибасинов тариқасида тест синовлари усулини қўллаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиққанига ҳам бир йил бўляпти. Ўтган қисқагина синов даври мобайнида бу борада талайгина тажрибалар орттирилди, тегишли хулосалар чиқарилди. Хуллас, тест синовлари усули ўзини оқлади. Бу йилдан эътиборан эса мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида тест синовлари ўтказиладиган бўлди. Энди ўрта умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларидан ҳам имтиҳонлар олиш билан бир қаторда уларнинг умумий билимларини синаб кўриш учун тест синови услубидан фойдаланиш мумкинлиги тавсия этилмоқда. Мазкур масала юзасидан Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Талаба танлови марказида бир қатор ишлар амалга оширилаяпти. Шу муносабат билан мухбиримиз Қурбонбой Матқурбонов Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Баҳром Ғафурович Қодиров ва Талаба танлови марказининг директори Музроб Муродович Қурбонов билан учрашиб, таълим мазмунидаги янгиликлар, олий ўқув юртларига қабул жараёнида қўлланиладиган тест синовлари ва унга қандай тайёргарлик кўрилаётгани хусусида сўзлаб беришларини илтимос қилди.

Баҳром ҚОДИРОВ,

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг муовини:

— Ўқувчи-ёшларнинг билим даражасини аниқлашда тест-синов усулини қўллаш мустақил давлатимиз учун янги воқеадир. Ривожланган мамлакатларда бу усул кўплаб соҳаларда муваффақиятли қўлланиб келиняпти. Ўтган йили Ўзбекистоннинг 19 та олий ўқув юртида талабалар танлови илк бор тест асосида — тажриба-синов тариқасида ўтказилди. Тажриба шуни кўрсатдики, тест синовлари абитуриентларнинг билим даражаларини аниқлашда илғор ва холис усул бўлиб, қобилиятли ёшларга кенг йўл очиб берар экан.

Бироқ, тажриба ёшларимизнинг маълум қисми тест синовларига руҳан тайёр эмас эканлигини ҳам кўрсатди. Шуни назарда тутиб, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги мазкур синовларга мактабларни тайёрлаш учун амалий тадбирлар белгилади. Ўқитувчилар учун қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилди, республика, вилоят, туман (шаҳар) миқёсида семинарлар ўтказилди, ўқувчиларга мўлжалланган қўлланмалар нашрдан чиқарилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Талаба танлови маркази орқали чиқарилган ва 1992 йилда қўлланилган тест синови китобчалари вилоят халқ таълими бошқармаларига етказилди. Китобчалар ҳар бир мактаб битирувчисига тарқатилмоқда.

Муаллимларимиз май ойи давомида битирувчи синф ўқувчиларини ушбу синовларга пухта тайёрлашлари зарур. Қўлланма 10 дарсдан иборат бўлиб, биринчи 5 таси тест синовларини уюштириш ва ўтказишга, тест саволлари китобчасининг тузилиши, тест карталарини тўлдириш ва бошқа масалаларга бағишланган. Охирги 5 та дарс 1992 йилда абитуриентларга тест синовларида тавсия этилган 5 та блок предметлари бўйича ўтиладиган машғулотларга бағишланган: она тили ва адабиёт, математика, табиий фанлар (физика, химия, биология), ижтимоий фанлар (география, тарих) ва чет тиллар (инглиз, немис ва француз тиллари).

Ҳар бир блок бўйича 10 та савол берилган бўлиб, ҳар бир саволга 5 тадан жавоб келтирилган. Жавобларнинг ичида фақат биттаси тўғри бўлиб, 4 таси нотўғридир.

Бу машғулотлар ўқувчиларнинг бўлажак тест синовларига тайёрланишларида катта ёрдам беради, тест карталарини тўлдиришда малака орттириб, синов пайтида ўзларини хотиржам тутишга ўргатади, деб умид қиламиз.

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўқитувчи кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳар педагогика билим юртлари ва 1-Тошкент индустриал-педагогика техникумига ўқувчилар қабулини тажриба тариқасида — тест синовлари усулида ўтказишни ҳам мўлжаллаяпти. Ҳозир бу борада катта тайёргарлик олиб борилмоқда.

Ҳар қандай янгиликнинг нурли йўли, умидбахш истиқболи бор. Мустақиллик бизни янги-янги ниятлар, орзу-ҳаваслар сари ундаяпти. Тест синови ана шу эзгу орзуларимиз ифодасидир.

Музроб ҚУРБОНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Талаба танлов маркази директори:

— Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг халқ таълимини янада ривожлантиришга қаратилган қатор фармонлари қабул қилинганидан кейин халқ таълими соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, ўқитувчилар билан шартнома асосида ишлашга киришилгани, олий ўқув юртларига талабаларни тест синовлари орқали қабул қилиш, республика олимпиадалари ғолиблари бўлган битирувчи синф ўқувчиларининг олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинажаклари, иқтидорли болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани таълимни янги поғонага кўтаришга қаратилган муҳим омиллар эканлигини қувонч билан қайд этмоқ керак.

Таълимнинг асосий тамойили, энг аввало, Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида тилга олинган. Унда шундай дейилади: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Ёшлар, уларнинг иқтидорлиги ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маънавиятни тушуниб етиш бошланади».

Рисолада маънавиятга алоҳида урғу берилгани бежиз эмас. Маънавий етук, баркамол инсонларни тарбиялаш эса асосан педагоглар зиммасига тушади.

Республика раҳбарияти ҳар қандай соҳада билим савияси паст, ночор мутахассислар бўлмаслигига эришишни жиддий масала қилиб қўяётир. Шу йўлда қатор изланишлар ҳам олиб бориляпти. Масалан, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов республика олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига талабалар қабул қилиш бўйича тажриба-синовни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида фармон қабул қилган эди. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистоннинг 19 та олий ўқув юртига талабалар танлови тест синовлари асосида амалга оширилди. Белгиланган институтларда талабалар қабули муваффақиятли ўтди. Бу йил ҳам Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларида таълим олиш истагини билдирган барча ёшлар тест синовларидан ўтадилар.

Шу кунларда талаба танлови мавсумига қизғин ҳозирлик кўраётирмиз. Ҳозиргача мактаб ўқувчиларининг ўқув ва тест синовлари малакаларини ошириш учун ўтган йилги тест синовлари жавоблари асосида ижтимоий ва табиий фанлар бўйича (ажратилган ҳолда) тест савол ва жавоблар тўпламларини икки тилда 250.000 нусхада босмадан чиқардик.

Тўпламлар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига берилди. Улар ўзларида ишлаб чиқилган режага кўра, сотув ташкил қилишмоқда. Шу тартибда ҳар йили имтиҳон пайтида тушган саволжавобларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этамиз. Шунингдек, май ойидан бошлаб, тест синовлари ҳақида радио ва телевидениеда мунтазам эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил этиб, абитуриентларга тушунчалар бериб борамиз.

Шу йилдан эътиборан савол-жавоблар жамғармамизни ўқувчининг фан маълумотлари билан қай даражада танишлигини, унинг кенг кўлами иқтидорини, дунёвий билимлари миқёсини баҳолай оладиган, чуқур ўйланган, илмий асосда тузилган тест саволлари билан тўлдириб бориш ниятидамиз. Маълум қолип, андозадаги тестларнинг ҳур фикрни, эркин ижод жараёнини ҳар жиҳатдан баҳолай олиши қийин, дегувчи баъзи кишиларга шу усул билан таҳлилий жавобларимизни беришимиз мумкин. Қисқаси, ўзига хос, асл нусхали ечимлар топган қобилиятли ўқувчилар четда қолиб кетмаслигига кафолат берилади.

Баъзи ота-оналар синов жараёнида абитуриентларга «таниш» домлалар, уларга тест варақасининг қайси устунини чизишни кўрсатиши, умуман, адолатсизликлар юз бериши мумкин, деб ўйлашади. Бу фикр мутлақо нотўғри. Биз баъзи бир нохолис тушунчалар ва эътирозларга ўрин бўлмаслиги учун қатъий чора-тадбирлар белгилаганмиз.

Аслида тест усулидаги қабул қоидалари жаҳон маорифи амалиётида асосан 1950 йиллардан, қардош Туркияда эса 1962 йилдан буён қўлланиб келинаётир. Юқорида тилга олинганидек, мустақил Ўзбекистоннинг 19 та олий ўқув юртида ўтказилган тажриба-синов тариқасидаги тест синовларига ҳеч қандай эътироз билдирилмади.

Халқ маорифи — маънавиятимиз сарчашмаси. Сарчашма ирмоқларини соф ва мусаффо сақлаш ҳаммамизнинг биринчи галдаги вазифамиздир. Зиммамизга юклатилган ушбу вазифаларни ҳалол, виждонан бажарсак ва унга зукко халқимиз холис, муносиб баҳо берса — шу биз учун катта ишончдир!

Ўрта умумтаълим мактабларининг 1993-94 ўқув йили учун ўқув режаси (VII тур)

(Ихтисосига доир бир неча ўқув фанлари чуқур ўргатиладиган мактаблар учун)

Ўқитиладиган фанлар	Ихтисослик (синфлар) бўйича ҳафталик соатлар					
	Қишлоқ хўжал.		Жамиятшун.		Ижтимоий	
	10	11	10	11	10	11
Она тили ва адабиёт	3	3	4	3	5	5
Рус тили ва адабиёти	2	2	2	2	2	2
Чет эл адабиёти					1	1
Чет тили (1 чи)	3	3	2	2	3	3
Чет тили (2 чи)					2	2
Математика ва информат.	4	4	5	5	2	3
Физика ва астрономия	3	3	2	3	2	2
Жисмоний тарбия ва чақириққача ёшларни тайёрлаш	3	3	3	3	3	3
Неорганик кимё	2					
Кимёвий анализ асослари	2					
Органик кимё	3	3				
Биология. Инсон ва унинг саломатлиги	2	2	1	1		
Ўзбекистон жуғрофияси	2	2	1			
Экология асослари	1	1				
Чет мамлакатлар жуғрофияси	1	1	1	1		
Умумий кимё асослари		2				
Қишлоқ хўжалигида кимё		2				
Фалсафа (ҳуқуқ, этика мантиқ элементлари б-н)			2	2	2	2
Биология ва экология					1	1
Жуғрофия ва экология					1	
Кимё ва экология			2	2	1	1
Умумий тарих	1	1	5	4	3	3
Ўзбекистон халқлари тарихи	1	1	1	1	1	1
Қонуншунослик ва ҳуқуқшунослик асослари			2	2	1	
Жаҳон маданияти ва Ўзбекистон халқлари маданияти			1	1	1	1
Инсон ва жамият				2	1	1
Педагогика ва психология					2	3
Махсус курс ва амалий машғулот	2	2	1	1	1	1
ҲАММАСИ:	35	35	35	35	35	35
Факультатив	1	1	1	1	1	1
ЖАМИ:	36	36	36	36	36	36
Амалий машғулот (кунлар ҳисобида)	20		20		20	

Ўрта умумтаълим мактабларининг 1993-94 ўқув йили учун ўқув режаси (VIII тур)

(Ихтисосига доир бир неча ўқув фанлари чуқур ўргатиладиган мактаблар учун)

Ўқитиладиган фанлар	Ихтисослик (синфлар) бўйича ҳафталик соатлар					
	Иқтисодиёт		Физика-мат.		Журналистика	
	10	11	10	11	10	11
Она тили ва адабиёт	4	3	3	3	7	6
Рус тили ва адабиёти	2	2	2	2	2	2
Умумий тарих ва Ўзбекистон халқлари тарихи	3	3	2	2	4	3
Инсон ва жамият			1	1		2
Математика	6	6	8	8		
Информатика	2	1/2	2	2		2
1—чет тили	4	4	4	4	4	4
2—чет тили					2	4
Жисмоний тарбия	3	3	3	3	3	3
Чақириққача ёшларни тайёрлаш	1	1	1	1	1	1
Жуғрофия ва Ўзбекистон жуғрофияси	3				1/2	
Жаҳон бадиий маданияти			1		1	1
Мулоқотдан амалий машғулот					2	2
Амалий машғулот						3
Ижтимоий экология		1/2			1/2	
Табиатшунослик тарихи				1		1
Фалсафа тарихи	1					
Ҳуқуқшунослик		2				
Махсус курс		1	2	2		
Физика ва астрономия			6	6		
Ишлаб чиқариш технологияси	2	2				
Иқтисодий тарих	1	2				
Бошқарув асослари	1					
Ихтисосликка кириш	2	1				
Саноат фирмаларини бошқариш ва ташкил қилиш асослари		2				
Чет эл адабиёти					2	
Машинкада ёзиш					2	
Касбга кириш					1	
Журналистика маҳорати					1	
Журналистика тарихи						1
ҲАММАСИ:	35	35	35	35	35	35
Факультатив	1	1	1	1	1	1
ЖАМИ	36	36	36	36	36	36
Амалий машғулот (кунлар ҳисобида)	20		20		20	

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган умумий таълим мактабларида қрим—татар, грек, корейс, немис, татар (қозон), уйғур, турк, яҳудий, испан ва бошқа миллатларнинг ўз она тилисини ўқитиладиган мактабларнинг 1993-94 ўқув йили учун ўқув режаси (IX тур)

Ўқитиладиган фанлар	Синфлар бўйича ҳафталик соатлар											
	уч йил	тўрт йиллик										
	III	I	II	III	IV	V*	VI	VII	VIII	IX	X	XI
Ўзбек тили ва адабиёт	8	7	8	8	8		7	5	4	4	4	3
Эски ўзбек ёзуви	1			1	1							
Она тилиси	2	2	2	2	2		2	2	2	2	2	2
Математика	6	4	5	6	6		5	5	5	5	4/5	4
Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари											1	2
Ўзбекистон халқлари тарихи							1	1	2/1	1	1/2	1
Умумий тарих							1	1	1	3/2	3	2/3
Давлат ҳуқуқи асослари										1		
Инсон ва жамият												2
Одобнома											1	
Теварак-атроф билан таништириш		1	1									
Табиатшунослик	1			1	1							
Жуғрофия							2	3	2	2	2/1	
Биология							2	2	2	2	2	1
Физика								2	2	3	3	4
Астрономия												1
Кимё									3	2	2	2
Чизмачилик								1	1			
1-чет тили (рус тили)	4	0/2	2	3	3		3	3	3	3	3	3
2-чет тили							3	2	2	1	1	1
Тасвирий санъат	1	1	1	1	1		1	1				
Мусиқа	1	1	1	1	1		1	1	1			
Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2		2	2	2	2	2	2
Чақириққача ёшларни тайёрлаш											2	2
Меҳнат таълими	1	1	1	1	1		1	2	2	2	2	2
ЖАМИ:	27	20	23	26	26		31	33	33,5	32,5	35,5	34,5
Мактаб ихтиёрига берилган соатлар	1	1	1	1	1		1	2	4	4	5	5
Амалий меҳнат машғулотлари (кун ҳисобида)							10	10	16		20	

* Эслатма: 5-синфлар ягона таянч ўқув режаси асосида ўқитилади.

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган умумий таълим мактабларида қрим—татар, грек, корейс, немис, татар (қозон), уйғур, турк, яҳудий, испан ва бошқа миллатларнинг ўз она тилисини ўқитиладиган мактабларнинг 1993-94 ўқув йили учун ўқув режаси (X тур)

Ўқитиладиган фанлар	Синфлар бўйича ҳафталик соатлар											
	уч йил	тўрт йиллик										
	III	I	II	III	IV	V*	VI	VII	VIII	IX	X	XI
Ўзбек тили ва адабиёт	8	8	8	8	8		6	5	4	4	3	3
Эски ўзбек ёзуви	1			1	1							
Она тилиси	2	2	2	2	2		2	2	2	2	3	3
Математика	6	4	5	6	6		6	6	5	5	4/5	4
Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари									1	1	1	2
Ўзбекистон халқлари тарихи							1	1	2/1	1	1/2	1
Умумий тарих							1	1	1	3/2	3	2/3
Давлат ҳуқуқи асослари										1		
Инсон ва жамият												2
Одобнома											1	
Теварак-атроф билан таништириш		1	1									
Табиатшунослик	1			1	1							
Жуғрофия							2	3	2	2	2/1	
Биология							2	2	2	2	1	1/2
Физика								2	2	3	4/3	4
Астрономия												1
Кимё									3	3/2	2	2/2
Чизмачилик							1	1				
1-чет тили (рус тили)	4	0/2	2	4	4		4	4	4	4	3	3
2-чет тили							3	2	2	1	1	1
Тасвирий санъат	1	1	1	1	1		1	1				
Мусиқа	1	1	1	1	1		1	1	1			
Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2		2	2	2	2	2	2
Чақириққача ёшларни тайёрлаш											2	1
Меҳнат таълими	1	1	1	1	1		1	1	2	2	2	2
ЖАМИ:	27	21	23	27	27		32	34	35,5	35	35	35,5
Мактаб ихтиёрига берилган соатлар	1	1	1	1	1		1	1	4	4	5	5
Амалий меҳнат машғулотлари (кун ҳисобида)							10	10	16		20	

*Эслатма: 5-синфлар ягона таянч ўқув режаси асосида ўқитилади.

(Ўқув планининг боши ўтган сонларда. Давоми бор).

РАСМИЙ БЎЛИМ

1992-93 ЎҚУВ ЙИЛИДА КИМЁ ФАНИДАН СИНФДАН СИНФГА КЎЧИРИШ ВА БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

1992-93 ўқув йилида кимё фанидан Халқ таълими вазирлигининг буйруғига асосан 8-синфда синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари, 11-синфда танлов асосида битириш имтиҳонлари ўтказилади.

8-синфда кимё фанидан ўтказиладиган имтиҳон асосан тест синови асосида ўтказилади. 8-синф учун тест топшириқлари сони тахминан 30 та белгиланиб, дастур бўйича йил давомида ўтилган мавзуларни ўз ичига олади. Саволлар мазмуни: дастлабки кимёвий тушунчалар, моддалар ва уларнинг хоссалари, моддалар классификацияси, физикавий ва кимёвий ҳодисалар, кимёвий реакциялар, кимёвий формулалар, элементларнинг валентлиги, I — II — III давр элементлари атомлари электрон қаватларининг тузилиши, Д. И. Менделеев элементлар даврий системаси ва даврий қонунининг маъноси, ноорганик моддалар орасидаги генетик боғланиш, ҳисоблашга доир машқлар, енгил масалалар, кимёвий формулалар каби тушунчаларни ўз ичига олиши лозим.

Ҳар бир тест саволларига 5 та жавоб берилади, шу жавоблардан биттаси тўғри бўлиши шарт. Тест саволлари қуйидаги баҳолаш мезони асосида баҳоланади:

Умумий тест саволлари сони 5 га бўлинади. Масалан: 30:5=6, демак, ҳар 6 та тўғри жавоб 1 балл билан баҳоланади. Бунда ижобий, яъни «3» баҳо қўйиш учун ўқувчи камида 13—18 тагача тест саволларига тўғри жавоб бериши керак. 18—24 гача «4» баҳо билан баҳоланади. 25—30 гача «5» баҳо билан баҳоланади.

Тест саволлари туман методика кабинетлари ва мактаб ўқитувчилари томонидан тузилади. Агар жойларда имтиҳонларни тест синов топшириқлари асосида ўтказиш учун етарли шароит ва малакали мутахассис ўқитувчилар бўлмаса, имтиҳонлар 8 ва 11-синфларда билет саволлари асосида ўтказилади. Билет саволлари сони 25 тадан 30 тагача белгиланади. Ҳар бир билетда 3 тадан савол берилади. Шундан 1-си ҳисоблашга доир масала ёки тажриба йўли билан бажариладиган амалий машғулот бўлиши лозим. Билет саволларини баҳолаш одатдаги баҳолаш мезони асосида белгиланади.

8-синф учун тест синов ва саволларидан намуналар.

1. Қуйидаги киритилган моддалардан қайси бири оддий модда ҳисобланади?

а) натрий б) хлорид кислота в) сув г) ош тузи д) билмайман.

2. Қуйидаги келтирилган мисоллардан қайси бири модда ҳисобланади?

а) стакан б) сопол в) симоб г) шам д) билмайман.

3. водород+кислород=сув реакциянинг қайси хилига киради?

а) бирикиш б) алмашиниш в) парчаланиш г) ўрин олиш д) билмайман.

8-синф учун билет саволларидан намуналар.

1-БИЛЕТ

1. Қандай моддалар оддий ва қандайлари мураккаб дейилади? Мисоллар келтиринг.

2. Таркиби ва хоссаларига кўра, аралашмалар кимёвий бирикмалардан нима билан фарқ қилади? Мисоллар келтиринг.

3. Сизга темир қипиғи ва ёғоч кўмир кукуни аралашмаси берилган. Аралашмалардан темирни икки хил усул билан ажратиб олинг.

2-БИЛЕТ

1. Б. М. Ломоносов ва Ж. Дальтоннинг атом-молекуляр таълимоти яратишдаги ролини айтиб беринг.

2. Кислород лабораторияда ва саноатда қандай олинади? Тегишли реакцияларнинг тенгламаларини ёзинг.

3. Нейтралланиш реакциясини бор бўлган реактивлар билан қилиб кўрсатинг.

3-БИЛЕТ

1. Туз деб нимага айтилади? Мисоллар келтиринг.

2. Кислоталар неча хил бўлади? Мисоллар келтиринг.

3. Мис II-гидроксиди ҳосил қилишга имкон берадиган кимёвий реакцияларнинг тенгламаларини ёзинг.

11-синфда кимё фанидан битириш имтиҳонлари танлов асосида юқоридаги тавсия асосида ўтказилади. Тест синов топшириқлари сони 50 та белгиланади, саволлар мазмуни 8—9—10—11-синф ҳажмидаги тушунчаларни ўз ичига олиши лозим.

Баҳолаш мезонида умумий тест саволларининг сони 5 га бўлинади. Яъни 50:5=10, демак, 10 та саволга тўғри жавоб берган ўқувчи 1 балл билан баҳоланади. Ўқувчига уч баҳо қўйиш учун 21 дан 30 гача тест саволларига тўғри жавоб бўлиши лозим, 31 дан 40 тагача тўғри жавоб «4» баҳо билан, 41 дан 50 тагача тўғри жавоб «5» баҳо билан баҳоланади. Агар битириш имтиҳонлари билет асосида ўтказилса, билетлар сони 25—30 тагача тузилади. Ҳар бир билетда 3 тадан савол берилади. 2 та савол назарияга асосланган, битта савол ҳисоблашга доир масала ёки тажриба йўли билан бажариладиган амалий машғулот бўлиши лозим. Баҳолаш мезони одатдаги асосда белгиланади.

Тест синов топшириқларидан намуналар.

1-савол.

Электролиз деб нимага айтилади?

1. Электролитнинг суюқланмаси орқали электр токи ўтганида электродларда содир бўладиган оксидланиш-қайтарилиш реакциялари электролиз деб аталади.

2. Электролитнинг эритмаси орқали электр токи ўтганида электродларда содир бўладиган оксидланиш-қайтарилиш реакциялари электролиз деб аталади.

3. Электролитнинг суюқланмаси ёки эритмаси орқали электр токи ўтганида электродларда содир бўладиган оксидланиш-қайтарилиш реакциялари электролиз деб аталади.

4. Электролитнинг суюқланмаси ёки эримаси орқали доимий электр токи ўтганида электродларда содир бўладиган оксидланиш-қайтарилиш реакциялари электролиз деб аталади.

А. Фақат 1. В. Фақат 2. С. 1 ва 2. Д. 2 ва 3. Е. Фақат 4. К. Билмайман.

2-тест саволи

1. Рақамланган 5 та пробиркаларда

1) Калий сульфат
2) Калий сульфид
3) Калий хлорид
4) Калий карбонат
5) Калий фосфат тузларининг эритмалари берилган. Уларнинг ҳар бирига хлорид кислота эритмасидан томизилса, қайси пробиркаларда газ ажралиб чиқади?

А. Фақат 1. С. 3 ва 4. Е. 3 ва 4. Б. Фақат 2. Д. 2 ва 4. К. Билмайман.

3-тест саволи.

Қуйидаги таклифларнинг қайси бирида В. В. Марковников қоидаси тўғри ифодаланган?

1. Водород кам гидрогенланган, галоген атоми эса кўп гидрогенланган углерод атомига бирикади.

2. Водород кўп гидрогенланган, галоген атоми эса кам гидрогенланган углерод атомига бирикади.

3. Водород кўп гидрогенланган, галоген атоми ҳам кўп гидрогенланган углерод атомига бирикади.

4. Водород кам гидрогенланган, галоген атоми ҳам кам гидрогенланган углерод атомига бирикади.

5. Водород углероддан бошқа атомларгагина бирикади.

4-тест саволи

Этилен калий перманганат билан оксидланганда қандай модда ҳосил бўлади?

1. Ацетон. 2. Ацетальдегид. 3. Сирка кислота. 4. Этил спирт. 5. Этиленгликоль.

А. 5. В. 4. С. 3. Д. 2. Е. 1. К. Билмайман.

1-БИЛЕТ

1. Саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кимёнинг роли.

2. Алюминий, унинг тузилиши, хоссалари, олиниши ва ишлатилиши.

3. Таркибида 80 фоиз углерод ва 20 фоиз водород бўлган углеводороднинг водородга нисбатан зичлиги 15. Унинг формуласини аниқланг.

2-БИЛЕТ

1. Органик бирикмалар молекуласидаги атомларнинг ўзаро таъсири.

2. Металларнинг кучланиш қатори. Металлар коррозияси ва турлари. Коррозиядан сақланиш йўллари.

3. Сувнинг қаттиқлигини йўқотишга оид тажриба ўтказинг.

3-БИЛЕТ

1. Бир асосли тўйинган кислоталар, уларнинг таркиби, тузилиши, хоссалари ва ишлатилиши.

2. Чўян ишлаб чиқариш, унда содир бўладиган реакциялар, уларнинг бориш шароити. Домна печининг тузилиши, ишлаши. Чўян ишлаб чиқаришнинг илмий асослари.

3. Таркибида 85,7 процент углерод бўлган углеводороднинг водородга нисбатан зичлиги 28. Унинг молекуляр формуласини аниқланг.

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ.

МУАЛЛИФЛИК ДАСТУРИ

Миробод туманидаги 247-болалар боғчасида «Муаллифлик дастури» деб номланган адабий-бадиий тадбир ўтказилди. Тадбирда Тошкент шаҳри малака ошириш институти тингловчилари ва туман боғча мудиралари, тарбиячилари иштирок этишди.

Муаллифлар гуруҳи: Римма Собитова, Ольга Городкова, Людмила Шатрова, Нина Юнитер, Татьяна Егоркина, Людмила Саидқулова ва гуруҳ раҳбари туман халқ таълими бўлимининг мактабгача табрия бош услубшуноси Любовь Романова. Юқорида фамилиялари зикр этилган услубшунослар туманнинг турли боғчаларида ўзларининг самарали меҳнатлари, ташаббускорликлари туфайли касбдошлари ва ота-оналар ўртасида катта ҳурмат қозонишган.

Кўрсатилган саҳнабоп кўринишларни кузатар экан-миз, муаллифларнинг астойдил жон куйдириб ишлаганликларининг гувоҳи бўламиз. Дастур кичкинтойларимизни комил инсон қилиб тарбиялаш йўлидаги ижодий изланишлар самарасидир.

Ҳар бир боғча тарбиячи ва тарбияланувчилари қизиқарли кўринишларни маромига етказиб ижро этишди. Суд — болакай, қораловчи ва оқловчи либосидаги тарбиячи ҳакамлар гуруҳнинг меҳнатини муносиб баҳолаб боришди.

Хулоса шуки, бундай тадбирлар, ижодий изланишлар, ташаббуслар мактабгача тарбия ишларининг ривожига катта улуш қўшади.

Шарофат ИСКАНДАР
қизи.

Суратда: боғчадаги тадбирдан лавҳа.

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Хўжайли шаҳридаги Пиржон Сентов номли ўрта мактабда қорақалпоқ тили ва адабиёти фанини ўқитишни такомиллаштириш бўйича бир кунлик семинар бўлиб ўтди. Унда Хўжайли, Тахиатош тумани ва шаҳарларидаги мактабларнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчилари иштирок этишди.

Анжуманда сўзга чиққанлар ушбу мавзу юзасидан атрофлича фикр юритдилар.

Ғ. ЕҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

«ШОДЛИК МАКТАБИ»ГА ДАСТЛАБКИ ОДИМЛАР

Жумҳуриятимизнинг мустақиллик йўлидаги умидли қадамлари мактаб, маориф ишларида ҳам сезиларли даражада ўз самараларини бермоқда. Жумладан, бошланғич мактаб тизимининг бутунлай янгиланиши, унинг тўлақонли мазмун касб этиши, таълим-тарбия мазмунини инсонпарварлаштириш, мактабларимизда соғлом, тетик, ҳушчақчақ, идрокли болаларни етиштириш, уларнинг келажакда бахтли-саодатли бўлиб вояга етишлари учун ҳозирдан замин яратиш борасида олимлар, услубчилар, амалиётчилар муайян ишларни бажараётирлар.

«Шодлик мактаби» деб номланажак истиқлол мактабларини яратишдек умумхалқ хайрли ишига киришилди. Бу мактабларда фарзандларимиз яйраб-ўйнаб, эмин-эркин касб-кор ва ҳунар ўрганишлари, таълим олишлари учун мос бўлган зарур тадбирлар режалаштирилмоқда. Миллий руҳга эга бўлган мазкур мактабларда илм-фаннинг сўнгги ютуқларига асосланган билимлар берилиши кўзда тутилаётир. Фикримизча, «Шодлик мактаб»ларида сабоқ «Шодиёна» ёки «Совға» номидаги миллий алифболар, «Чашма» деб номланадиган севимли ҳисоб таълими китоблари асосида бошланиши мақсадга мувофиқдир. Чунки халқимизнинг мустақиллик руҳи, миллий туйғуси, маънавий қадрияти она тили ва ҳисоб таълими китобларини янгича номлашдан бошланади. Бу борада кенг жамоатчиликнинг муносиб таклиф ва тавсиялари бўлар деган умиддамиз.

Келажакнинг ёрқин истиқболини яратиш ишлари бугунги кундан бошланиши учун «Тўрт йиллик бошланғич мактаб йўриқномаси»да миллий мазмун ва мундарижага эга бўладиган мактаблар; улардаги иш тизими батафсил, босқичма-босқич кўрсатилган. Ушбу йўриқномани маъқуллаган ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари, услубчилар ва жамоа вакилларидан беш ярим мингга яқин хатлар, фикр-мулоҳазалар олинди. Улар бу ўқув йилида янгиланаётган бошланғич синфларнинг режаси асосида ишлашга астойдил киришганликларини баён этишган.

Халқ таълиминнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олиш учун ўқув қуроллари мутелик, турғунлик ва ҳар қандай «измлар» (догматизм, грамматизм, субъективизм, монополизм кабилар)дан батамом фориғ бўлмоғи лозим. Бунда муқобил ўқув қўлланмалари тузиш, уларни жойлардаги мактаблар шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириб, янги ўқув дастурларини илғор ўқитувчилар ёрдамида кенг синовдан ўтказиш ишлари бошланиб кетади.

Шунингдек, бошланғич мактаблар ўқув дастурларида миллий тарбия етакчи ўрин тутади; таълим ибтидоси тарбия воситасида сингдирилади: илк ёшдан болаларда касб-корга, илм-ҳунарга қизиқиш, ҳавас, хоҳиш уйғотилиши кўзда тутилмоқда.

Бошланғич мактаб фаолияти одобахлоққа доир дастлабки тарбия куртаклари баёни билан бошланади: миллий савод одоби, нутқ одоби, ўқиш-ўқиш одоби, меҳнат одоби, табиатни севиш, жониворларни авайлаш, маҳорат одоби, орасталик, овқатланиш одоби, тежамкорлик одоблари шулар жумласидандир.

Инсон фаолияти учун ниҳоятда зарур бўлган нотиқлик санъати куртакларини ундириш ишларини бошланғич синфлардан бошлаш ва унга илмий асос солиш: сўзамоллик, бийронлик, мазмунли ва мантиқли, мулойим ва ёқимли сўзлашга одатлантириш мўлжалланади.

Миллий ўқув қуролларида таълимнинг мавжуд оғир юкидан — турғунлик тошларидан озод қилиш учун амалиётга кенг ўрин берилади, назариётчиликдан фориғ қилинади. Масалан, она тили таълими фан сифатида 5-синфдан ўқитилиши ҳисобга олиниб, бошланғич синфларда грамматик қоидалар, таъриф ва тавсифлар, тезислар максимал даражада қисқартирилиши кўзда тутилади. Бошланғич грамматик қонуниятлар (ҳодисалар) турли мавзудаги қизиқарли матнлар воситасида сингдирилади. Амалий ишлар орқали болаларнинг билим савиясини кенгайтириш назарда тутилади.

Янгиланган дастур асосида дастлабки дарслик ва қўлланмалар яратилди. Уларда шахс тарбияси, унинг камолотини таъминлаш, миллий ғурур, ақлий жасурликка ундаш каби ишлар бош мезон қилиб олинди.

Миллий руҳга эга бўлган «Шодиёна» ёки «совға» деб номланадиган Алифбо учун тузилган «Чашма» аталмиш ҳисоб дарсликларида болаларнинг ёш хусусиятлари, айниқса, уларнинг руҳий имкониятлари тўла ҳисобга олинган. Улар содда ва ихчам услубда, қизиқарли ва ифодали тил билан ёзилган, болалар фаолиятини истиқлолга йўналтиришга мўлжалланган.

Дарсликлар энг асосий фанлар: она тили ва ҳисоб таълими учунгина яратилади. Қолган фанлар учун болаларнинг амалий ишлашларига мос материаллар ва уларни ишлатиш мақсадида ўқитувчига методик қўлланмалар, тавсиялар яратилади. Дарслик ва қўлланмаларда кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини ортиқча юкдан озод этиш масаласига жиддий эътибор берилди. Бу ўринда муштарак дарсларни ташкил этиш қўл келади. Жумладан, ўқиш дарсини мусиқа, тасвирий санъат, жисмоний тарбия, табиатшунослик билан боғлаб, мужассамлаштириб ўтиш болаларга жуда маъқул келмоқда. Уларда зерикиш, толиқиш аломатлари сезилмаяпти. Шунингдек, ҳисоб таълими дарсини ҳам худди шундай таркиблардан фойдаланган ҳолда меҳнат, бадиий меҳнат, оила иқтисоди, табиат алифбеси, компьютер ўйинлари билан мужассам этиш мумкинлигини дастлабки синов ишлари тасдиқламоқда.

Дарсликлар, айниқса, ўқиш китоблари орқали болалар тарбиясида шарқона одобларга бой мазмундаги матнлардан кенг фойдаланиш кўзда тутилаётир. Бошланғич синфларданоқ болалар жаҳон маданиятига кирган буюк алломаларимизнинг кичик ҳажмдаги асарларидан баҳраманд қилинади. Дарсликлар тўлақонли ўқув сарчашмасига айланишини таъминлаш учун муаллифлар гуруҳлари ана шундай янги мазмундаги ишларга жиддий киришдилар.

Ақлий жасурлик болага чексиз имкониятлар беради: бола дадил, эркин бўлади, синфда ҳам, синфдан ташқаридаги машғулотларда ҳам руҳий кўтаринкиликка, мустақилликка интилишга ҳаракат қилади. Ўқитувчилар боладаги бундай яхши сифатларнинг янада ривожланишига шароит яратишлари керак.

Болалар имкониятларининг сарҳади чексиз. Лекин уларни ҳар хил шароитда, ҳар хил усул билан ҳам пайдо қилиб бўлмайди. Ижтимоий ҳодиса бўлган бу ҳол кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Бола имкониятларини чекламаслик, аксинча, уларга эрк бериш, иноннихтиёрни кўпинча уларга «топшириш», уларга ишониш ва ишонтириш, бўш вақтларида ўзлари хоҳлаган фаолият билан шуғулланишларига кўмаклашиш орқали кўп нарсага эришиш мумкин.

Бошланғич синфларда фанларни алоҳида-алоҳида бўлиб ўқитишдан кўра муштарак ҳолда, мужассамлаштириб ўргатиш жуда яхши самара бермоқда. Бунда, биринчидан, бола бир дарс давомида фақат бир фандан билим-малака олгандан кўра, бир-бирини тўлдирадиган, бир-бири билан боғланган турли мисоллар, ҳодисалар, мўъжизалар, гўёки «кичик лаборатория ишлари» билан ошно бўлади. Бу усул бола учун ҳар жиҳатдан осон ва қизиқарлидир, табиий ва мароқлидир. Жумладан, ўқиш дарсларида табиат манзараси, уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар; уй паррандалари ва ёввойи паррандалар каби мавзулар ўтилганда, болаларни синфда олиб ўтириш шарт эмас, балки шаҳарда ҳайвонот боғига, қишлоқ жойларида эса чорва ва парранда фермаларига сайрга олиб борилса, бирйўла бир неча мақсад амалга ошади. Шунингдек, қушлар, ўсимликлар, гуллар, сабзавот ва меваларга оид сабоқларни ҳам табиат қўйнида ўқитиш болаларга синфдаги дарслардан кўра кўпроқ ёқади.

Янгиланаётган бошланғич мактабнинг олий мақсадлари — болаларни ўйғун ривожлантиришдир. Кичик ёшдаги болалар хусусиятини ҳисобга олиб, кўпроқ ўйин орқали таълим-тарбия бериш анча самарали эканлигини синов ишлари яққол кўрсатди. Истеъдод, иқтидор — ўйин ва меҳнат замирида пайдо бўлишини кичик ёшдаги ўқувчилар фаолиятида яна бир бор синадик. Бола руҳини таҳлил қилиш санъатини билган ўқитувчи унга қандай ёндашишнинг ҳам уддасидан чиқа олади.

Тарбия ишларида кенг қўламлилик керак. Ўқитувчининг тадбиркорлиги, зукколиги, болалар билан жамоа бўлиб ўйин ташкил этиши, дарсда ҳар бир боланинг якка ҳолда ўзи қизиқиб ўйин ўйнашини ҳам оқилона ташкил эта олиши орқали таълимнинг энг қийин, мураккаб қисмларини бажариш мумкин. Шунингдек, бошланғич синфларда кўпинча «Иккаламиз ўйнаймиз» ўйинини ҳам тез-тез ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир.

Кичик ёшдаги болалар ўйинида мукаммалликни, ўктамлиликни пайдо қилиш учун муносабатнинг янги-янги усуллари қўллансагина уларнинг фаол ҳаракати вужудга келади. Фаол ҳаракат эса болаларнинг жисмоний, ақлий ўсишига ёрдам беради.

Янги таълим мазмунида ўғил ва қиз болалар тарбияси учун махсус дастурлар яратиш ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, меҳнат, бадиий меҳнат, жисмоний тарбия дарсларида ҳар икки жинснинг имконияти ҳамда келажакда унинг зарурий эҳтиёжлари ҳисобга олинди.

Бу борада Тошкентдаги 287-мактабда ташкил этилган қизлар синфининг тажрибаси ибратга лойиқдир. Муаттархон Ҳакимова, Жамила Қаршиева ўз синфида виждонан ва ижодий ишламоқдалар. Ўқитувчи қизлар каштачилик, қуроқчилик, уй-рўзғор тутиш, муомала маданияти, юриш-туриш, кийинишда шарқона удумларга тўла риоя қилмоқдалар.

Шунингдек, шаҳримизда миллий ҳунармандчиликка ихтисослашган ўғил болалар синфи ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу синфда ўғил болаларда Шарқ эркакларига хос фазилатлар, масалан, полвонлик, чавандозлик, қиличбозлик, мардлик, йигитлик сўзига содиқлиқ, ишчанлик, зукколик, топқирлик, маҳорат каби сифатлар тарбияланмоқда.

Ҳозирда кўпгина мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари «Тўрт йиллик бошланғич мактаб йўриқномаси»да баён этилган «Табиат қўйнидаги сабоқ»ларни муваффақиятли амалга ошираётганликлари қувонарлидир. Жумладан, Тошкентдаги 216-мактаб олий тоифадаги ўқитувчилари Г. Адамбекова, М. Ғозихўжаева, Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 38-мактабнинг олий тоифадаги ўқитувчиси Рўзбиби Шукурова, Фарғона вилояти Риштон туманидаги 60-мактабнинг олий тоифадаги ўқитувчиси Мирзаҳамдам Мирзаулуғовлар ўқувчиларни табиат билан таништиришга, экологик тарбияга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Тўла-тўкис шаклланган шарқона турмуш тарзимиз учун чинакам қадриятларимизга амал қилувчи ёш авлод камолга етиши лозим. Фарзандларимизнинг ёшликдан миллий ғурурли бўлиш руҳида тарбияланишларини таъминлаш учун ҳамкорликда, бамаслаҳат иш олиб борилиши лозим.

К. НАЗАРОВ,
профессор.
Қ. АБДУЛЛАЕВА,
Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИнинг бўлим мудири.

ОЛИМПИАДА ҲАҚИДА БАЪЗИ БИР МУЛОҲАЗАЛАР

Илм, фозиллик борасида куч синашиш эзгу иш. Уни олимпиада мусобақалари дейишда ҳам муқаддас рамз бор. Зеро, бу тадбирлар азал-азалдан ақл, шуур тиғи саналмиш нур — чақмоқни кафтида баланд кўтариб, жаҳолат ва мустабидлик қаридан инсониятга истиқлол йўлини очиб келган Зевс — ўша Олимп тоғларида макон қурган худо шарафига ўтказилади. Олимпларнинг ҳақ, адолатга чақириғи, шу йўлда риёзат чекиш ғолиблик эканини асло унутиб бўлмайди.

Эндиликда олимпиадалар ҳаракатининг кенг қулоч ёзиб, ажойиб самаралар берадиган пайти етди. Бу йўлда қилинадиган ишлар кўп. Энг аввало, ички саралаш туридаёқ ҳар бир ўқувчининг бу жараёнда қатнашиб, ўз кучини синаб кўришига эришмоқ зарур. Зеро, худди шу туфайли илм олишда оммавий юксалиш юзага келади. Афсуски, бу тур жамоатчиликнинг назаридан четда. Шундай бўладики, бир гуруҳ аълочиларни фан ўқитувчилари «талаш қилиб» навбатдаги турга жўнатадилар, холос. Эътибор йўқлиги, байрам руҳияти ва бирор рағбат бўлмагани ўқувчиларнинг қизиқишини сўндиради, улар бу тадбирларга лоқайд қарайдилар. Аммо олимпиадларнинг зўр тантанаю шодиёналар билан ўтганини, ғолибларни ҳамиша қимматбаҳо совринлар кутганини, улар ўз элларининг қаҳрамони саналганини эслайлик. Бу бежиз бўлмаган. Фанлар олимпиадасининг ҳар қайси тур ғолиби ҳам аниқ имтиёзга эга бўлиши ва ошкора, тантанавор суратда уларга совға-совринлар топширилишида чуқур маъно бор. Айниқса, бу ишга маҳалла маъмурлари, ҳокимият вакиллари бош-қош бўлсалар арзийди. Бироқ ҳозирги кунда олимпиадаларнинг мактаб, туман, ҳатто, вилоят тури ғолибларига бирор имтиёз тугул арзигули совғалар ҳам берилмаслиги ачинарли ҳол.

Имтиёзлар ҳақида бир гап. Вилоят турининг битирувчи синфларидаги бир неча нафар ғолибларни ўзлари шуғулланадиган фаннинг ҳар қандай синовларидан озод қилиш мақсадга мувофиқ. Уларнинг жуда қийин синовлардан ўтиб «тобланган»ига ҳеч кимда шубҳа бўлмаса керак. Албатта, олийгоҳ талабаси бўлмоғи учун улар бошқа фанлардан ҳам аъло баҳога ўзлаштириб, имтиёзли гувоҳномага эга бўлишлари лозим. Аммо бу ерда масаланинг муҳим бошқа томони ҳам бор. Тест синовлари қай даражада такомиллашмасин, у чинакам ижод жараёнини очишга қодир ва ўзига хос ноанъанавий ечимларни излаб топишга лаёқатли ўқувчиларни ҳар жиҳатдан баҳолай олади, деб бўлмайди. Олимпиада ғолиблари орасида эса бундай иқтидор соҳиблари кўплаб учрайди ва улар дарҳол кўзга ташланади. Баъзан шундай ҳам бўладики, улар муайян қолип, андозадаги тест синовларидан, ҳатто, зерикадилар, қониқиш олмайдилар. Бундай синовлардан улар, ҳатто, юқори натижага эришмасликлари ҳам мумкин. Уларга эркин ижод жараёни, ҳур фикрлашга имкон берадиган, чинакам тадқиқот майдони керак. Шу маънода республика ўқув методика марказининг ёш филологлар мусобақасига ижодий ёзма ишлар киритиб жуда тўғри қилганини таъкидламоқ жоиз.

Олимпиадаларнинг юқори босқичларида ғолиб бўлганларни ҳозирги кунда вилоятларда кенг тармоқ ёзаётган олийгоҳлар қошидаги илмий изланишларга жалб қилиб, ўқувчи тадқиқотларини ўтказишларига эришиш ҳам муҳим тадбир бўларди. Эндиликда ўқувчи ёшларнинг кичик Академияси ҳам номига эмас, чинакам фаолият кўрсатса, «кексайиб қолаёзган» фанимизни навқирон ёшлигига қайтарса, унинг бағридан унган ёш ниҳоллардай кўзни қувонтирса, қандай яхши.

Имтиёзлар ҳақида гап кетаркан, олимпиада турларининг 1, 2- ва шароит бўлган жойларда, ҳатто, 3-ўринни эгаллаган ғолибларига кейинги йили шу турнинг мусобақаларига эркин қатнашиш ҳуқуқи берилишида катта мақсад бор. Уларнинг сони ҳар қайси синфда 5—10 нафардан кўп эмас ва ташкилий ишларда ортиқча қийинчилик туғдирмайди. Аммо бунинг самараси жуда катта. У ғолиблар учун тантана ва рағбат бўлиши билан олимпиада ҳаракатига бўлган қизиқишни янада кучайтиради, янги иқтидор соҳибларининг бунёд бўлишига имкон беради.

Фанлар олимпиадасининг спорт мусобақалари эмаслигини ҳам назарга олиш лозим. Бу, айниқса, совринли ўринларни белгилашда муҳим. Ғолиблар жамлаган баллар орасидаги фарқлар жуда яқин бўлган ҳоллар кўп учрайди. Баллнинг улушлари ва, ҳатто, бир неча балл фарқ ҳам ғолибларнинг ақлий камолотидаги тафовутни аниқлашдаги мезон бўла олмайди. Одамда бундай фарқлар жузъий сабаблар: унутиб қолдирилган қандайдир катталик, ёзув техникаси нуқсонлари ёки шунчаки этъиборсизликдан келиб чиқади. Қолаверса, совринли ўринлар учун бериладиган дипломлар «фалончи биринчию, писмадончи иккинчи» маъносида эмас, эришилган ютуқлар учун берилишини унутмаслик лозим. Ютуқнинг мезони эса рақобат эмас, фан асосларини эгаллашдир. Илм, риёзат йўлида ўқувчиларни бир-бирларига мухолиф қўйишдан ёмони йўқ. Кимдир, албатта, ғолиб бўлиши керак, деган фикр жоизмас, бу ўринда ғолибларнинг кўплиги қадрли. Шу боисдан совринли ўринларни белгилаш тартибига ҳам янгича ёндашиш лозим. Фанлар олимпиадасининг халқаро турларида бўлганидек, совринли ўринларни чекламасликда маъно кўп. Шу мақсадда олимпиада қатнашчиси йиғиши лозим бўлган умумий баллнинг 90 фоизидан кўп балл олса — биринчи, бали 75 фоиздан ошганларга иккинчи, 50 фоиз баллга эга бўлганларга учинчи даражали диплом бериш керак.

Фаннинг хусусияти ва топшириқнинг қийинлигига қараб белгиланган даражаларни ўзгартириш мумкин ёки энг кўп балл жамлаган ўқувчининг кўрсаткичи асос қилиб олинса ҳам бўлади. Совринли ўринларнинг чекланмаслиги мусобақалар жараёнида ҳамиша содир бўладиган нохуш кўнгилсизликларга барҳам беради, дўстона ижодий муҳит яратилиб, мусобақаларнинг сермаҳсул ўтишини таъминлайди. Энг юқори балл жамлаган алоҳида, иқтидор соҳибларигина мусобақаларнинг кейинги турига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

Қўзибой ҚУРЁЗОВ,
Хоразм вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти методисти.

МУАЛЛИМ ЁЗГАН КИТОБ

«Насаф» нашриётининг иш бошлаганига бир неча вақт бўлди. Шу қисқа вақт ичида ноширлар Қашқа воҳасида яшаб ижод қилаётган ўнлаб ижодкорларнинг илк китобларини чоп этиб, кенг китобхонлар назарига тушди. Биринчи китоби ўқувчилар қўлига теккан ижодкорлар орасида ўқитувчилар ҳам бир талай. Яқинда қамашнлик ҳажвчи қаламкаш ўқитувчи, Турсунбой Боймировнинг ҳам «Балон-бад» деб номланган илк ҳажвий ҳикоялар тўплами босмадан чиқди.

Турсунбой узоқ йиллар давомида жумҳуриятимиз рўзнома ва ойномаларида «телеминиатюралар» ва «Табассум»да ўзининг кундалик турмуш ташвишларига кўмилиб яшаётган оддий қишлоқ кишиларининг қувонч ва ташвишларини қаламга олиб, қатнашиб келади. Истеъдодли қаламкаш муаллимнинг истеҳзоли кулгу руҳи билан суғорилган ичак узди ҳикоялари тезда ўқувчилар назарига тушиши шубҳасиз.

Ў. ҚОБИЛ.

Қамаши тумани Лутфий номли 42-ўрта мактаб.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Замирахон ҒАФФОРОВА!

Сизни Ўзбекистон туманидаги 21мактабнинг муаллимаси, инглиз тилининг билимдон мутахассиси сифатида ҳурмат қиламиз ва қадрлаймиз. Туғилган кунингиз муборак бўлсин! Сизга мустаҳкам соғлик, боқий умр тилаймиз!

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИНИНГ БИР ГУРУҲ ТИНГЛОВЧИЛАРИ.



Ҳурматли ҳамкасбимиз Абдузоҳир ҲАМРОЕВ!

Сиз мактабимиз ёшларига 40 йилдан буён химия-биология фанларидан узлуксиз билим бериб келаяпсиз. Ҳалол ва сидқидилдан қилган меҳнатларингиз ҳукуматимиз томонидан муносиб равишда тақдирланди.

Азиз ҳамкасбимиз! Туғилган кунингиз ва педагоглик фаолиятингизнинг 40 йиллиги муносабати билан самимий қутлаймиз, узоқ умр ва сиҳат-саломатлик тилаймиз.

ЧИРОҚЧИ ТУМАНИДАГИ 1-ЎРТА МАКТАБ ЖАМОАСИ.

Ҳурматли Эшназар ОСТОНОВ!

25 йилдирки, Сиз эндигина мактаб остонасини ҳатлаган жажжиларни қучоқ очиб кутиб олаясиз. Улар қўлига қалам тутқазиб, саводини чиқарасиз.

50 ёшингизни нишонлаётган ушбу кунларингизда Сизга битмас-туганмас соғлик, келгусидаги ишларингизга омад ёр бўлсин.

НУРОБОД ТУМАНИДАГИ 70-МАКТАБ ЖАМОАСИ ҲАМДА ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ.

● «ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИ» — 35 ЁШДА

ИЖОДКОР ЖАМОАНИНГ БАРАКАЛИ МЕҲНАТИ

Бу йил «Преподавание языка и литературы» журнали ўзининг 35 йиллик санасини нишонламоқда. Журнал илк бор 1958 йили «Совет мактаби» журналига илова тарзида чиқарилган эди. 1977 йилда у мустақил органга айлантирилди. 1991 йилдан, у икки тилда нашр қилина бошланди. Журналга айни кунларда педагогика фанлари доктори, профессор Раъно Тўрахоновна Толипова раҳбарлик қилмоқда.

Куни кеча Республика Ўқитувчилар уйининг мажлислар залида мазкур журнал санасига бағишланган амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу йиғилиш «Ўзбек мактабларида рус тилини ўқитиш жараёнида коммуникатив таълим тамойилларини амалга ошириш» номи билан аталди. Унда сўзга чиққанлар — журналнинг бош муҳаррири Р. Т. Толипова, тилшунос ва педагог олимлардан С. И. Зинин, В. М. Лыкова, А. А. Решетаров, В. М. Бельдиян ва бошқалар миллий мактабларда рус тилини чет тили тариқасида ўқитишнинг долзарб муаммолари хусусида таҳлилий фикр юритдилар. Зеро, бу борада журнал талай йиллардан буён кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Унинг саҳифаларидаги илмий-методик мақолаларда коммуникатив таълим тамойилларини амалда қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари дадил, илмий асосда кўрсатиб берилмоқда. Тўғри, таълимнинг коммуникатив тамойиллари ҳақидаги низом республикамизда аллақачон ишлаб чиқилган. Бу борада қарийб 20 йиллардан буён тажриба ортирилади. Аммо мазкур тамойилларга чет эл фуқароларига рус тилини ўргатишда амал қилинарди. Сирасини айтганда, ўзбек мактабларида рус тилини ўқитиш бўйича коммуникатив таълим қоидалари борасида ҳали қилинадиган ишлар, «очиладиган қўриқлар» жуда кўп.

Бошқа матбуот органлари қатори мазкур журнал ҳам айни даврда талай иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Буни кундалик ҳаёт яққол кўрсатиб турибди. Аммо журнал таҳририятининг ижодий жамоаси шундай тақчиллик даврда ҳам руҳан тушкунликка тушмай, ҳеч қандай иккиланишларсиз фидойи меҳнат қилишмоқда. Бунинг асосий сабаби эса ҳозирги қийинчиликларнинг мутлақо ўткинчи эканлигига ишончдир.

Конференцияда халқ таълими вазирининг ўринбосари Баҳром Қодиров маъруза қилди.

Йиғилиш сўнгида нотиқларнинг фикрлари умумлаштирилди, тегишли хулосалар чиқарилди.

Тошкент шаҳридаги Иброҳим Мўминов номли 113-мактаб 1-«А» синфида бошланғич синф муаллимаси Нафиса опа Алимова раҳбарлигида «Алифбе» байрами ўтказилди. Байрамда иштирок этган ўқитувчилар, ота-оналар фарзандларининг илк бор ҳарф таниб, саводхон бўла бошлаганидан беҳад мамнун бўлдилар. Ўқувчилар эса ўз миннатдорчиликларини устозларига шеър ҳадя этиш ҳамда гул тақдим этиш билан изҳор этдилар.

А. МАМАДАМИНОВ
суратга олган.

● АКС САДО

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

«Маърифат» рўзномасида чоп этилган «Отдир йигитнинг йўлдоши» деб номланган мақолада баён этилган фикрлар, таъбир жоиз бўлса, кўпчиликнинг дилидаги гаплардир. Унда таъкидлаб ўтилганидек, агар чавандозликнинг сир-асрорларини жисмоний тарбия дарсларида ўргатилса, кўнгилдагидек иш бўлар эди.

Таассуф билан айтиб ўтиш керакки, яқин ўтмишда отга бўлган эътибор сусайиб, халқимизнинг турли удумлари қаторида кўнгилли спорт ўйинларидан бири бўлган чавандозлик ва кўпкари қораланиб, зотдор отлар гўштга топшириб юборилган эди. Шукр-ким, мустақиллик шарофати туфайли миллий қадриятларимиз қайтадан тикланмоқда.

Бизнинг хўжалигимиз ҳудудидаги қишлоқларда ўтказиладиган тўй-маъракаларда, шунингдек, Ҳосил байрами, Наврўз айёмига бағишлаб уюштириладиган тадбирлар миллий спорт ўйини ҳисобланган кўпкарисиз ўтмайди. Бу тадбирларда номдор чавандозлар қаторида қишлоқ ёшлари, мактаб ўқувчилари ҳам фаол иштирок этишади. Ота-оналар ва томошабинлар эса худди моҳир чавандозлардек от жиловини маҳкам тутиб турган ёшларни кўриб завқланишади, уларнинг маҳоратига баҳо беришади.

Рўзномамиз чавандозлик сирлари тўғрисида ўз саҳифаларида сўз юритиб, катта савоб ишга қўл урибди. Мен бу таклифларни қувватлаган ҳолда чавандозликнинг сир-асрорларини мактаб давридаёқ ўрганишни маъқул деб ҳисоблайман.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ,
Чироқчи туманидаги 47-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Асарлари кутубхоналар, музейлар ва академиялар хазинасини бойитди, кўплаб вакиллари муаллимлар, олимлар, файласуфлар, шоирлар, мутасаввуфлар, рассомлар бўлиб етишиб чиқдилар. Буюк усталари эса санъат жабҳасида улуғ бунёдкорлик билан шуғулландилар. Шуларнинг ҳаммасини монгол отлиқлари йўқ қилиб ташлашди. Гарчи қотиб қолган бўлса-да, ҳаёт хавф-хатарга айланди, одамлар эса ўзларини йўқотиб қўйган эдилар. Шунга қарамасдан монгол истилоси бир фойдали жараён муваффақияти учун билвосита шарт-шароит яратди. Истеъдодли кишилар турли мусулмон давлатларга қочиб кетдилар. Кўплари бор нарсасидан ажратилди ёки қатл этилди. Қазоси етмаганларгина омон қолдилар. Бу жараёнда икки мамлакат бошқаларга нисбатан омадлироқ чиқди. Энг, аввало, Кичик Осиёга ва Рум салжуқийларининг кичкинагина юртига ҳамда Ҳиндистон султонликларига — Ислом дунёсининг шу икки мамлакатига кўчиб бориб, у ерда ҳам мусулмон турмуш тарзини ва тафаккурини қайта тиклашга киришган кишилар ҳақида ҳикоя қилишдан олдин кейинги аббосийлар даврининг айрим буюк закилларига қисқача таъриф бериб ўтиш зарурга ўхшайди

Имом ал-Ғаззолий (1058 — 1111-йиллар). Ўша даврнинг энг йирик мутафаккири, эҳтимолки, мусулмон илоҳиятшунослигининг энг буюк намояндаси бўлмиш Абу Ҳамид ал-Ғаззолий 1058 йилда Хуросоннинг Тус (Машҳад) шаҳрида таваллуд топди. У ашъорий мактабидаги мунозараларда исботлашнинг мантиқан ва ақлан тўғри йўлларини топишни эрта ўрганиб олган йирик олим эди. Ўткир ақл-заковати, зийраклиги ва билимларининг теранлиги билан у барча илоҳиятчилардан ўзиб кетди. Ал-Ғаззолий суннийлар мазҳабига узил-кесил таъриф берди. Обрўси мислсиз даражада юксак бўлганлигидан шиалар уни асрнинг энг буюк зоти деб ҳисоблайдиган бўлдилар. Ал-Ғаззолий Бағдоддаги Низомий дорилфунунининг мударриси бўлиб ишлади, лекин кейинчалик шундай бир сирли кўникма (нур таратиш) ҳосил қилиб, сўфийликни ихтиёр этди. Бу холис мутафаккир суннийлар билан шиаларни ажратмас эди. Ал-Ғаззолий Ислом тафаккурини талайгина фалсафий чалкашликлардан поклаб, оддий одамлар ақли етадиган даражагача такомиллаштирди.

Буюк табаррук зотлар ва диний ташкилотларнинг асосчилари.

Шу даврда Силсилаят ёки Тариқа деб номланувчи бир қанча суфийлик ташкилотлари ва иттифоқлари вужудга келди. Ташкилотлар табаррук зотларнинг номлари билан машҳур бўлиб, уларнинг таълимотлари ҳамда васиятлари бу жамиятларга руҳ ва собитқадамлик бағишларди. Тарафдорлари Пири Пирон (Азизлар азизи) деб улуғлаган Бағдодлик Сайёд Абдул Қодир ал-Жийлоний (1077 — 1168-йиллар) Қодириён жамияти ёхуд Силсилайи Қодирия деб ном олган энг йирик ташкилотга асос солди. СуҳроворДия Мавлавия, Рифаъия, Бектошия ва Нақшбандия номли бошқа тариқатлар ҳам мавжуд эди. Уларнинг ҳаммаси Оллоҳ таолога садоқатни, пирга кўр-кўрона ишончни, эзтиқод ёрдамида инсонни қутқариб қолиш, адолатпарварликни, бу ёруғ олам ташвишларига ва ҳаёт мақсадларига, шунингдек, бирор муродни кўзлаган куч-ғайратга беғарроликни тарғиб қиларди. Ташкилотлар кишилар эзтиқодини сақлаб қолишда катта ёрдам берардилар, бундай жамоаларнинг ўша пайтда вужудга келганлиги ғайритабиий туюлиши мумкин, лекин аслида улар шу оғир даврларда мусулмон ахлоқини мустаҳкамлашга катта хизмат қилдилар.

Ибн Сино (980 — 1037-йиллар) — ал-Беруний (973 — 1048-йиллар). Ўша даврдаги энг йирик мусулмон файласуфи Абу Али ибн Ҳусайн бизга Абу Али ибн Сино сифатида машҳурдир. Оврупода эса уни Авиценна номи билан яхши танишади. Сомоний султонлари даврида тиббиёт ва фалсафа соҳасида буюк олим сифатида донг таратган бу алломанинг тиббий асарлари деярли етти аср мобайнида бутун дунё табиблари учун энг зарур қўлланма бўлиб хизмат қилиб келди. Абу Райҳон Муҳаммад ибн ал-Беруний ибн Синога бас келадиган кишилардан эди, уни бизнинг давримизда ҳам Ислом оламининг энг йирик риёзиётчиси ҳамда мангу улуғ маърифатчи деб эзтироф этадилар. У ғазнавийлар даврида яшаб, Султон Маъсуд подшоҳлик қилган замонда фаолият кўрсатди. Санскрит тилини яхши билган ал-Беруний ундан форс тилига кўплаб асарлар таржима қилди. Аллома ер айланасининг узунлиги ва кенглигини ҳисоблаб чиқиб, унинг қутблари тўғрисида ишончли маълумотлар берди.

Умар Ҳайём (1040 — 1124-йиллар) — Носириддин Тусий (1201 — 1274-йиллар). Бу икки йирик фалакиётчи ва риёзиётчи олим ҳақида ҳам маълумот бериб кетиш зарур. Шунчаки кўнгил хуши учун рубоийлар битган Умар Ҳайём ўз даврининг буюк олими ва биринчи фалакиётчиси эди. Унинг рубоийлари Эдвард Фидчералднинг эркин таржимасида ҳозир жумла жаҳонда машҳур бўлиб кетди. Дунё пайдо бўлиб у тузиб чиққан ой тақвимига тенг келадиган аниқ жадвал тузилган эмас, биз бу билан ҳозир ҳам фахрланса арзийди. Ҳалокухон билан дўстлиги ва иттифоқи Носириддин Тусийнинг обрўсини тушириб юборди. Шиа мазҳабининг қатъий тарафдори бўлганлиги учун айрим кишилар уни, ҳатто, суннийларга тегишли Бағдодни вайрон қилганликда айблашмоқчи бўладилар. Бу ҳақиқатдан йироқдир. Ҳалокухон Тусийга алоҳида иззат кўрсатиб, унга Табриз яқинида йирик Мароғон расадхонасини қурдириб, зарур китоблардан бой кутубхона яратиб берди. Бу китоблар Элхонга қарам бўлган барча ўлкалардан йиғиб келтирилди. Чунки мазкур минтақада барча йирик дорилфунунлар ўз вақтида монголлар томонидан йўқ қилинган эди. Фақат шундай хайрли ишлар бошида турганлиги учун ҳам Носириддин Тусийнинг номи ҳурмат билан тилга олишга арзийди.

Ибн Ҳавқал ал-Муқаддасий — Ёқут (1179 — 1229-йиллар). Шу даврда жуғрофия соҳасида ҳам айрим буюк сиймолар пайдо бўлди. Шулар сирасига кирувчи улуғ сайёҳ ибн Ҳавқал ўз салафи ал-Истаҳрий қўлёзмаларига, шунингдек, ўн икки йил саёҳат қилиб тадқиқотлар олиб борган ал-Муқаддасий қайдномаларига қайта ишлов берди. Ал-Муқаддасийнинг жаҳон жуғрофия тафаккурида чинакам илмий-тадқиқот билан шуғулланишнинг илк намунаси бўлган асари юксак қадрланади. Иккита луғат (биттаси — жуғрофия, иккинчиси — адабий) тузиб чиққан Ёқут ибн Абдуллаҳ бу соҳа олимлари орасида энг йириги эди.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

Ҳорманг, қадрдон ҳамкасб!

Уни ҳамкасблари, қаламкаш дўстлари, яқин таниш-билишлари икки ҳарф билан ТП деб аташади. Бу сўзни шунчалар фахр-ифтихор билан айтишадики, унда меҳр ҳам, ҳурмат ҳам, эъзоз ҳам, чин дўстлик туйғулари ҳам англашилиб туради. Кўпчиликнинг ҳурматини қозонган бу очиқ чеҳрали, юзларидан нур ёғилиб турувчи, ширинсухан ижодкор инсоннинг асл исми-шарифи Турсунпўлат Холмуҳамедов. Ўз қаламкашлик хизмати доирасида рассом сифатидаги чизгилари остига билинар-билинмас ТП деб чизиб қўйиши ҳам рост. У болалар матбуотида қирқ йилдан бери самарали меҳнат қилиб келаяпти. Республикада хизмат кўрсатган журналист унвонига ҳам сазовор бўлган.

Турсунпўлат акани фақат журналистгина эмас, айни пайтда ўқитувчи, тарбиячи деб аташ ҳам ўринлидир. Негаки у 35 йилдан зиёд вақтдан бери мактабгача ёшдаги болаларнинг севимли журнали «Ғунча»нинг бадиий безаш муҳаррири сифатида фаолият кўрсатиб, сурат чизгилар орқали камол топаётган ёш авлодни эстетик тарбиялашга ҳаракат қилиб келаётир. У чизган суратларда рассомнинг болаларга бўлган меҳр-муҳаббати сезилиб туради. Рассом болаларнинг турли вазиятдаги ҳолатларини ёрқин кўрсатишга, уларни гўзаллик, нафосат асосида тарбиялашга интилади. Бу Турсунпўлат аканинг ўз ижодхонасидагина эмас, кўпроқ болалар даврасида бўлишининг, улар билан давра суҳбатларда дилларига йўл топа олишининг, керак бўлганда кичкинтойлардек фикр юрита олишининг далилидир. У ранг чизгиларидан болалар оламининг тарбиявий достонини яратади, дейиш мумкин. Худди шу хизматлари учун ҳам у ҳақли равишда мамлакат халқ маорифи аълочисидир.

Рассом ҳузурига мактабларнинг ўқитувчилари, болалар муассасаларининг тарбиячилари иқтидорли ўғил-қизларнинг чизмаларидан намуналар келтириб, улардаги расм чизишга қизиқишни ошириш, куртак отаётган иқтидорларини шакллантириш хусусида маслаҳат сўраб мурожаат қилиб туришади. Турсунпўлат ака болалар чизган ҳар бир суратни эътибор билан қараб чиқади, энг яхшиларини «Ғунча» журналида чоп этишни ҳам кўзда тутади, ўқитувчи ва тарбиячиларга эса иқтидорли бола билан машғулотлар олиб бориш ҳақида ўз тавсияларини беради, вақти-вақти билан ўша иқтидорлилар таълим-тарбия олаётган масканларга бориб, ёш ижодкор болалар ишларини ҳам кузатади.

Турсунпўлат Холмуҳамедов бадиий ижод билан ҳам шуғулланади. Унинг кичкинтойлар ҳаётидан ёзилган ҳикоялари болалар матбуотида тез-тез чиқиб туради. Унинг қаламига мансуб «Олмахон» ҳикоялар тўплами, «Ёшлик» альманахида ёритилган ҳикоялар туркуми ёш китобхонлар эътиборини қозонган. Ҳа, Турсунпўлат ака тасвирий санъат асарлари билангина эмас, балки сўз санъати ижоди билан ҳам камол топаётган ўғил-қизларни тарбиялашга ҳисса қўшиб келаётир...

Ўз умрининг 60 баҳорини қаршилаётган камтарин ва заҳматкаш ижодкор Турсунпўлат Холмуҳамедов фаолиятининг баъзи чизгиларинигина қайд этдик, холос. Азиз ва қадрдон ТП дўстимизга соғлиқ ва узоқ умр, ёш авлодни тарбиялашдек эзгу ишларида муваффақиятлар тиларканмиз, «Ҳорманг, ижодда ҳам асло толманг!» — дегимиз келади.

А. ДОЛИМОВ.

Суратларда: рассом чизгиларидан намуналар.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

САВОЛ: Мен ўқитувчи сифатида тажриба алмашиш учун Тошкент шаҳрига сафарга юборилган эдим. Менга 3 кун учун 200 сўм сутка пули тўланди. Тўловнинг шундай миқдори тўғрими?

И. ҚОСИМОВ.
Фарғона шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 февраль 34-ф сонли фармонига биноан, 1993 йил 1 январдан эътиборан сафарга юборилган ходимлар учун сутка харажатлари, турар жойни ижара қилиш учун кетадиган харажат бирмунча кўпайтирилди. Сафар харажатлари энг кам иш ҳақининг қуйидагича коэффициенти миқдорида тўланиши белгиланади:

— ҳамдўстлик мамлакатлари пойтахтларига сафарга юборилганларнинг сутка (бир кунлик) харажати 0,08, яъни 240 сўм; бошқа шаҳар ва аҳоли пунктларига сафарга юборилганларнинг суткалик харажати — 0,06, яъни 180 сўм бўлди.

Турар жойларни ёлловчилар учун йўл харажатлари (бориш ва келиш) амалда қилинган харажатлар доирасида, (люкс хоналардан ташқари) тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тўланади. Турар-жой ижарага олинганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилинмаса, ҳамдўстлик мамлакатлари пойтахтларига сафар қилинганларга турар-жой харажатлари бир кунга 90 сўм, бошқа жойларга юборилганлар учун 60 сўм миқдорида қопланади.

●

САВОЛ: Мен ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида уста дурадгор бўлиб ишлайман. Кўпчилик 48 кунлик таътилдан фойдаланади. Биз каби усталарга 24 кунлик таътил берилиши тўғрими?

А. ТУРСУНОВ.
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: Амалдаги тартибга кўра, ишлаб чиқариш таълими усталари иш куни чекланмаган ходимлар тоифасига киради ва уларга 24 иш кунидан иборат таътил белгиланади.

Мактаб ўқитувчилари учун кўзда тутилган ставкалар бўйича соатбай ҳақ тўланадиган ўқитувчилик вазифасини ҳам бажарувчи усталарга йилига бажарилган 240 соатлик педагогик ишга тўланадиган иш ҳақи ҳисобидан 48 иш кунидан иборат муддат учун ҳақ тўланади. Бунда уста лавозими бўйича таътил кунлари тугагач, ходим уста вазифасини бажаришга киришади ёки маъмурият билан келишган ҳолда қолган 24 кунга иш ҳақи сақланмайдиган таътил кунларидан фойдаланади.

●

САВОЛ: Мен мактабда ишлаш билан бир қаторда, олий ўқув юртида сиртдан ўқийман. Имтиҳон топширишга берилган таътил кунлари учун ишланган 12 ой ҳисобидан ўртача ҳақ тўланди. Шу тўғрими?

С. ҚОСИМОВ.
Андижон шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 8/4 сонли ва Молия вазирлигининг 1992 йил 30 июлдаги 10-сонли қарорига биноан, олий ўқув юртларида сиртдан таълим олаётган ходимларга ўқув таътилида бўлган вақт учун энг охирги белгиланган мансаб маоши миқдорида ҳақ тўланади.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1993 ЙИЛ УЧУН ДОКТОРАНТУРАГА ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ МУТАХАССИСЛИГИ (13.00.01.) БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторантурада ўқиш учун фан номзоди, илмий-педагогик ходим сифатида ўзини кўрсатган, илмий муаммоларни ҳал қила оладиган, юксак даражада илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга қобилиятли, танлаган соҳаси бўйича илмий ютуқларни қўлга киритган, 40 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади. Докторантлар ўзининг кенг назарий тайёргарлиги, педагогика ва илмий-тадқиқот ишларига чуқур ёндашганлиги, юксак маънавий-сиёсий онги ва фаоллиги билан ажралиб туриши керак.

ДОКТОРАНТУРАДА ЎҚИШ МУДДАТИ 3 ЙИЛ.

Докторантурага кирувчи шахслар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Ректор номига ариза;
2. Ходимларни ҳисобга олиш варақаси расми билан;
3. Таржимаи ҳол;
4. Докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режаси;
5. Илмий-тадқиқот иши бўйича ҳисобот ва кашфиётларининг чоп этилган рўйхати;
6. Иш жойидан тавсифнома;

Ариза ва ҳужжатлар эълон рўзномада чоп этилган кундан бошлаб 1993 йил 1 июнгача қабул қилинади.

Маълумот олиш учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти аспирантура бўлимига (тел: 54-74-20), ректорнинг илмий-ишлари бўйича ректор ўринбосарига (тел.: 55-47-86) мурожаат қилинсин.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ 1993 ЙИЛ УЧУН АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАҚСАДЛИ АСПИРАНТУРАГА:

ҚУНДУЗГИ ЎҚИШ УЧУН:

Алгебра ва сонлар назарияси, математик таҳлил, қаттиқ жисмлар физикаси, Ватан тарихи, фалсафа, одобнома, ўзбек тили, ўзбек адабиёти, рус тили, умумий психология, педагогик ва ўсмирлар психологияси, педагогика назарияси ва тарихи, фанлар бўйича ўқитиш методикаси, махсус педагогика, жисмоний тарбия назарияси ва методикаси.

СИРТДАН ЎҚИШ УЧУН:

Ватан тарихи, одобнома, дин ва атеизм тарихи, ўзбек тили, ўзбек адабиёти, педагогика назарияси ва тарихи, фанлар бўйича ўқитиш методикаси, махсус педагогика, педагогик ва ўсмирлар психологияси.

ЭРКИН ТАНЛОВЛИ АСПИРАНТУРАГА:

ҚУНДУЗГИ ЎҚИШ УЧУН:

Педагогик ва ўсмирлар психологияси.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурага ўқиш учун 35 ёшдан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун 45 ёшдан ошмаган, танлаган ихтисослиги бўйича олий ўқув юртини битиргандан кейин камида 2 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган ва илмий-тадқиқот ишига қобилияти бор кишилар қабул қилинади.

Ёш мутахассислар бевосита олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан битиргандан сўнг олий ўқув юрти (факультет) кенгашининг тавсиясига биноан аспирантурага кириш учун бўладиган танлов имтиҳонларига қўйиладилар.

Иш мутахассислар бевосита давлат стипендияларини олиб, олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан битиргандан сўнг олий ўқув юрти (факультет) кенгашининг тавсиясига биноан аспирантурага имтиҳонсиз қабул қилинади.

Аспирантурага кириш учун аризалар институт ректори номига қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади:

ходимларни ҳисобга олиш варақаси расми билан;

таржимаи ҳол;

охирги иш жойидан тавсифнома;

дипломнинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси ва синовлар варақасидан кўчирма;

охирги иш жойидан оладиган маоши ҳақида маълумотнома (кундузги аспирантурага кирувчилар учун);

эълон қилинган илмий ишлар рўйхати, босилиб чиққан илмий ишлари бўлмаган кирувчилар танлаган ихтисослиги бўйича машинка ёзувида 20—25 бет ҳажмида илмий маъруза, реферат топширади, яшаш жойидан маълумотнома, тиббий маълумотнома.

Аспирантурага кирувчилар мутахассисликдан ва бирор чет тили (инглиз, немис, француз, испан, итальян ва шарқ тиллари)дан олий ўқув юртлари учун жорий этилган ўқув дастурлари ҳажмида танлов имтиҳонлари топширадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда аспирантурага кириш имтиҳонларини топширишга рухсат этилган шахсларга уларнинг имтиҳонларга тайёрланиши ва топшириши учун иш жойларидан иш ҳақлари сақланган ҳолда 30 кунлик қўшимча таътил берилади.

Аспирантурага номзодлик имтиҳонларини қисман топшириб кираётган шахслар қолган имтиҳонларни топшириш учун ҳар бир имтиҳонга 10 кун ҳисобида ҳақ тўланадиган қўшимча таътилдан фойдаланадилар.

Ариза ва ҳужжатлар 1993 йил 25 майгача қабул қилинади.

Аспирантурага кириш учун I тур имтиҳонлари 1993 йил 1 июндан бошланади.

Аспирантурага ариза ва ҳужжатлар II тур учун 25 октябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1993 йил 1 ноябрдан бошланади.

Маълумот учун телефонлар: 54-74-20, 55-47-86.
Манзилимиз: Тошкент, 700064, Глинка кўчаси, 3.

ZAMAN—Ўзбекистон
газетаси билан
Тошкент Молия институти
Сизни
БОЗОР ИҚТИСОДИГА ЎТИШ
мавзуидаги I халқаро симпозиумига
таклиф этади.

Анжуман 13-14 май кунлари "Кино уйи"да бўлади.
Очилиш маросими — 13 май соат 8^30 да.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

«Маърифат» газетаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бош директори Ислом Шоғуломовга ўғли

Алишер ШОҒУЛОМОВ

фожеали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Маърифат» газетаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг раиси Рустам Шоғуломовга ўғли

Эркин ШОҒУЛОМОВ

фожеали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.

ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000040.
Буюртма Г—133. 119179 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 20.00.

Босишга топширилди — 19.30.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкама сининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 12345